

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Г.Юсупова	
Ўзбекистон халқ хўжалигида Фарғона иқтисодий районининг ўрни (XX асрнинг 50-70 йиллари мисолида)	162
Д.Юлдашева, Н.Набиева	
Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” хужжатли лиро-эпик қиссасида замонамиз қаҳрамони масаласи	165
И.Жўраев	
Бадиий адабиётда ижтимоий-маиший муаммолар ифодаси.....	168
О.Холматов	
Э.М.Ремарк романларида уруш ва инсон талқини	171
С.Хақназарова	
Абдулла Шер асарларида миллий менталитет ва маҳаллий колорит ифодаси	175
А.Мамажонов	
Мазмуни умумлашган қўшма гаплар.....	178
Н.Қўлдашев	
Экологик лингвистика фанлараро илм-фан сифатида: манба ва динамика	181
М.Ғофурова	
Нутқнинг лингвомаданий жиҳатдан бўёқланганлиги ва уни белгиловчи омиллар	185
У.Буриева	
Функционал дискурс таҳлили муаммолари	189
Д.Ҳакимова	
Нутқий мулоқотнинг гендерологик фарқланиш масалаларига оид.....	192
Ҳ.Сотволдиева	
Мақол ва маталлар олами идрок этиш миллий хусусиятларининг инъикоси сифатида	195
М.Мамажонов	
Аллюзив антропонимлар ва уларнинг бадиий матнда қўлланилиши.....	198
Ш.Имомназарова	
Ўлан ва лапар жанрларининг ўзаро муштарак ҳамда фарқли хусусиятлари	200
Ф.Анварова	
Синонимларнинг тилда қўлланилиши	204
М.Ҳайитова, М.Мирзаахмедов	
Боғча болалари ўртасида инглиз тилини ўқитишни такомиллаштиришнинг баъзи педагогик асослари	207

УДК: 8-1/-9+8-96

АБДУЛЛА ШЕР АСАРЛАРИДА МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ ВА МАҲАЛЛИЙ КОЛОРИТ ИФОДАСИ

ОТРАЖЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО МЕНТАЛИТЕТА И МЕСТНОГО КОЛОРИТА В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ АБДУЛЛЫ ШЕРА

THE EXPRESSION OF NATIONAL MENTALITY AND LOCAL COLOR IN THE WORKS OF ABDULLAH SHER

С.Хақназарова

Аннотация

Мақолада Абдулла Шер ижодидаги миллий руҳ ва маҳаллий колорит масалалари таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье анализируются вопросы национального духа и местного колорита в творчестве Абдуллы Шера.

Аннотация

In this article the national spirit and local color of the creation of Abdulla Sher is analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: *миллий ифтихор, миллий руҳ, Ватанга муҳаббат, халқона соддалик, теран нигоҳ, лирик қаҳрамон, фалсафий қарашлар, муаллиф позицияси, ғоявий мақсад.*

Ключевые слова и выражения: *национальная гордость, национальный дух, любовь к Родине, простодушие, глубокий взгляд, лирический герой, философские взгляды, позиция автора, идеологическая цель.*

Keywords and expressions: *national pride, national spirit, love Motherland, simple-mindedness, deep opinion, lyric hero, philosophical opinions, author's position, ideological aim.*

XX асрнинг 70-йиллари ўзбек адабиётида ўзига хос бурилиш даври бўлди. Айни шу йилларда, айниқса, шеърият оламида турфа хил ўзгаришлар рўй берди, инсон шахсини, қалб кечинмаларини куйлаш, севги дарди, ҳижрон, ҳаёт ташвишлари, турмуш мураккабликлари ҳақида ҳам чўчимасдан ёзиш тамойиллари кўзга ташлана бошланди. Адабиётнинг барча жанрларида салмоқли асарлар яратилди.

Абдулла Шер ана шу 70-йиллар шеъриятининг таниқли вакилларида бири, қалами ўткир, фикри теран шоирларидан биридир. У ҳаётга ўзининг синчков нигоҳи билан боқди.

Шоир қаламга олган мавзулар ранг-баранг: ҳаёт, Ватан, турмуш, севги, соғинч, ҳажр, гўзаллик ва меҳр куйчиси.

Адиб ижодида ажодларимизга бўлган чексиз эҳтиром ва эътиборни ҳис қиламиз. Миллий ифтихор, Ватанга, ўз тили ва тарихига бўлган муҳаббатини у ўз шеърларига жо қилган. "Мен шоирман" шеърида шундай мисралар бор:

Мен шоирман, мен- Абдулла Шер,
Барлосларнинг саркаш фарзанди.
Айтгил осмон, айтгил, она Ер,

Ўз асримга менми асранди?!

Серқирра ижодкор ижодида инсондаги энг буюк туйғу-муҳаббат, севги афсоналари ҳам ўзгача маҳорат билан тараннум этилган. Шоир "Озор" шеърида Отабек ва Кумуш муҳаббатини куйидаги жўшқин мисраларда акс эттиради:

Мен севардим, севардим танҳо,
Юрагимни юлиб олдилар,
Бир сен эдинг менга бор дунё,
Бор дунёга заҳар солдилар....

Шеърни ўқиган китобхон кўз ўнгида икки ёш, уларнинг пок, беғубор туйғулари ва ниҳоясига етмаган севги афсоналари фожиали гавдаланади. Отабекнинг Кумушга бўлган чексиз муҳаббатини, шоир унинг бутун бир дунёсига қиёслайди ва Кумушнинг фожиали ўлими, ошиқнинг дунёсини ҳам заҳарлайди. Шоир шеърларида содда, дилга яқин жумлалардан фойдаланган ҳолда, инсоннинг ички кечинмалари, қалб туғёнларини, ҳис-ҳаяжонларини, руҳий изтиробларини акс эттира олди. У сўз қудратига таяниб, китобхонлари учун мўъжиза ярата олди.

Зеро, у ўзининг "Мўъжизавийлик ва хаёлийлик" мақоласида шундай фикрларни баён қилган:

С. Хақназарова – ФарДУ гуманитар йўналишлар бўйича чет тиллар кафедраси катта ўқитувчиси.

“Мўъжизавийлик асосига қурилган асарларда ёруғ бир ҳаётбахшлик мавжуд. Бу эса атрофдаги реал ҳаёт, шарт-шароит, вазиятнинг қандайлигидан қатъий назар, одамда бахтли бўлишга ишонч пайдо қилади”. [1,1]

Абдулла Шер лирикасида бекиёс соддалик санъати борки, бу илҳомбахш изланиш, узоқ давом этган ижодий меҳнат самарасидир. Ана шу халқимизга хос бўлган соддалик, беғуборлик фазилатлари шоир шеърларида ўз аксини топган. Шоирнинг “Шоирлик манзараси” шеърларида шундай мисралар баён этилган:

Боқ, ғичирлаб қадимий эшик,
Аста чиқиб кетади илҳом...
Қаердадир чинқираб бешик,
Юлдузларни тўсиб турар том...

Бешик нега чинқирайди?... Ушбу сатрларда шоир, миллий менталитетимизга хос бўлган болапарварлик фазилатларини моҳирона тарзда тараннум этган. Ижодкор шеърларида инсоннинг нозик қалб туғёнларини ва ундаги умид учкунларини тўсиб турган, мажозий маънодаги “том”ни, содда ва оддий сўзлар мажмуасидан фойдаланган ҳолда, шоирона ўхшатиш орқали ифода эта олган.

Шоир лирикасида Ватанга, ёрга муҳаббат мавзусидан ташқари, тарихимизга оид, яшаб ўтган буюк аجدодларимизга бағишланган бир қанча шеърлар тўплами ҳам жой олган. Адибнинг лирик қаҳрамони халқ ва унинг ҳис-туйғулари кечинмалари, унинг тарихи, бугунидир.

Томирида бир пайт чопган қон
Ханжар тугиб югургач, хайҳот,
Юлдузларни болам деб султон
Учиб кетди кўкка беқанот.

Ижодкорнинг “Улуғбек” шеърларида бу сатрлари, қалбимизни сўнгисиз ларзага солиб, бизга тарихимизнинг ўша бешафқат, маъшум кунларини, падаркуш фарзанд Абдулатиф томонидан ваҳшийларча қатл қилинган Улуғбек фожиасини ёдимизга солади. Заминдан, ҳатто ўз зурриёидан вафо кўрмаган Улуғбекнинг, юлдузларга “болам”, деб қилган муножоти, асрлар оша бизни қулоғимиз остида эшитилгандай туюлади, гўё.

Тарихга мурожаат қилишда давом этган ижодкор “Бибихоним” шеърларида ўзбек аёлига хос вафодорлик, фарзандга меҳр, ўзгалар фарзандини ҳам ўз фарзандидай ардоқлашини, фарзанд кўрмаган аёлларнинг фарзанд сўраб қиладиган ирим-сиримларини юксак маҳорат билан тасвирланган.

Жангоҳларга кетса жаҳонгир,
Инсоф тилаб йиғлаб қолар у.
Кундошларнинг ўғлини бир-бир
Ёқасидан солиб олар у.

Ватанга ўзгача муҳаббат туйғулари билан йўғрилган шеърларида, шоир Ватан манзараларини, бепоён далаларини, сўлим гўшаларини, қишлоқлар ва уларнинг гўзал табиатини оддий ва содда, ҳар бир ўқувчига таниш сўзлар орқали тажассум этган. Шоирнинг “Шеърлар тўпламидаги” “Ёз” шеърларида қуйидаги сатрлар бор:

Жўхоризор мудрайди беғам,
Суратдаги кўк кўлга ўхшар.
Ҳансираган сарғимтил олам
Чидолмасдан гўё пўст ташлар.
Шошмас ҳатто дала ариғи,
Дақиқалар ўтар ўрмалаб.
Живир-живир қуёшнинг тиғи
Кириб борар ерни пармалаб.

Ушбу мисралардаги ҳислар жилваси, туйғулар тўлқини, дала манзараларига ҳамоҳанг тарзда акс эттирилган.

Шоир ўз шеърларида баландпарвоз сўзлар ишлатмайди, балки у шеърларининг кенг ўқувчилар қалбига етиб бориши учун янги ифода воситаларини топади, яъни шеър сатрларини фикрий ва эмоционал образлар билан бойитишга алоҳида эътибор қаратади.

Шоир “Оқ булутдан томган томчилар” тўпламида қуйидаги фикрларни баён этади. “Шаклий изланишларни мен кўллаб-қувватлайман. Фақат боя айтганимдек, осонгина ўн тўрт қаторни «қотириб» ташлаб, уни сонет дейиш, уч сатрли шеър ёзиб, уни хайку дейиш бошқа масала: хорижий шакл ҳам худди биз ҳозир кийиб юрган, ўзимизники қилиб олганимиз оврўпача костюмга ўхшайди – лойиғини кийиш керак, холос”. [2.1]

Мана шу принципга амал қилган ҳолда шоир турли шаклий изланишлар орқасидан қувмайди, балки ўзига хос тарзда, ўз ҳис-туйғуларини содда ва теран фикрлар мажмуасида намоён этади.

Буни биз шоирнинг “Ёз” шеъри мисолида кўришимиз мумкин:

Кундузлари тиллашиб ёниқ,
Қуёшу Ер сансирашади.
Қулоқ тутсанг, тинглайсан аниқ
Далаларнинг ҳансирашини.

Бу пурмаъно сатрлардан биз нафақат дала манзарасини, балки инсон ҳисларини қитиқловчи кечинмаларини, унинг қалбига қандайдир илиқлик бағишловчи туйғуларини ҳам илғаб олишимиз мушкул эмас.

Шоирнинг ҳар бир шеърида миллийлик руҳи уфуриб туради, ўқувчи муаллиф руҳий кечинмалари поэтик тарзда намоён этилганининг шохиди бўлади. “Қиш” шеърида ижодкор табиат ҳодисасини шоирона маҳорат билан тасвирлаш баробарида, дунёнинг бевафо эканлигини, инсонлар бу фоний дунёда боқий эмасликларини таъкидлаб ўтади:

Юзларимни тирнар изғирин,
Борай энди. Ортиқ нетаман?
Сўнг бор ташлаб сенга кўз қирин,
Оқ дунёга сингиб кетаман.

Сермахсул ижодкор шеърларида ҳаёт қатламларига, инсон юрагининг турли иқлимларига назар солади, теранлик, тасвир равшанлиги, аниқлик йўлидан боради. У ҳаёт, турмушнинг рангин қирраларини тасвирлашни яхши кўради, воқеликка ҳар хил нуқтадан назар солади ва инсоннинг маънан бой, доимо мукамал бўлишини орзу қилади.

Маънавий юксалишни ўз дастурига айлантирган шоир инсондаги мардлик, ҳалоллик ва инсонпарварлик фазилатларини ниҳоятда улуғлайди. Инсондаги шундай олижаноб фазилатларни у бадиий жиҳатдан пишиқ, самимий мисраларга жойлайди. Шоир юртсеварлик, инсонпарварлик туйғуларини “Мен шоирман” шеърида қуйидагича талқин этади:

Мен ёнаман: на ёв, на дўстим
Қорайтолган уфқимни ерда.
Мен оловман: зулматни тўсдим,
Ватаним деб чўғландим шеърда!

Абдулла Шер ижодининг кўлами кенгдир. Мумтоз оҳанглар сеҳрига йўғрилган асарларида инсон ҳаётига, характерида, қалбига хос мураккаб зиддиятларга тўла рангин олам манзараларини кўрамиз. Ижодкор кўз ўнгимизда гоҳ донишманд қиёфасида гавдаланади, гоҳ ҳаёт, умр мазмуни ҳақида фалсафий фикрларни сўзлайди. Аммо унинг дил розлари оддий панд-насихатлар эмас, балки турмуш қийинчиликларини бошидан кечирган, умр сабоқларидан хулоса чиқарган инсоннинг мулоҳазаларидир.

“Оқ булутдан томган томчилар” шеърий тўпламидаги қуйидаги рубоийсида шоирнинг ҳаётга бўлган фалсафий қарашлари мужассам этилган:

Гоҳида ўхшайман омадсиз мастга:
Чинорга суянсам, айланар хасга.
Эрк истаб оламга бургутдек кўнсам,
Қанотим сиғмайди бу тор қафасга.

Шоир ижодини кўздан кечириш баробарида, умрининг ҳар бир фаслида ижодкор шиддатли замон ва давр билан ҳамнафас бўлаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Иллар ўтган сари унинг қалами ғоявий-фалсафий жиҳатдан чархланиб, ижтимоий қарашлари, фикрлари теран бўлиб бормоқда. Бу эса албатта шоир ижодига ижобий таъсирини кўрсатиб, унинг шеърлари мазмундор ва янада таъсирлироқ тус олмақда.

Бунга, “Оқ булутдан томган томчилар” тўпламидан жой олган ушбу шеър яққол мисол бўла олади:

Кириб келаётган карвонда эмас,
Кетиб бораётган карвондаман мен,
Пастда қолиб кетди ердаги ҳавас,
Осмонга бош урган нарвондаман мен.
Гўзаллик изладим – ҳижоб алдади,
Дўстим деб интилдим – ниқоб алдади,
Дарё деб қувондим – сароб алдади,
Ростман деб алдаган ёлғондаман мен.

Ҳаёт кўрғонида зуваласи пишган, турмушнинг залворли синовларига мардонавор кураша олган ижодкор “Оқ булутдан томган томчилар” тўпламида ушбу фикрларни бежиз айтмаган. Мендан кўплар: «Нега бунча ёш кўринасиз, кайфиятингиз доимо баланд, ҳайратланарли даражада дангалчисиз?» – деб сўрашади. Начора, табиатим шунақа: бировларга чалинган қарсақларни санаш билан шуғулланмадим, ўзимга қарсақ сўраб юкинмадим. Сўзни севиб, унга ишониб яшадим» [2.17].

Дарҳақиқат, серқирра ижодкор ҳаётини сўз сеҳрига бағишлаб яшамоқда, сўз орқали миллатимиз руҳиятини, қувончу-ташвишларини, тарихини, бугунини намоён этишга ҳаракат қилмоқда.

Адабиётлар:

1. Абдулла Шер. Мўъжизавийлик ва хаёлийлик. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газ., 2013 йил, 14-сон.
2. Абдулла Шер. “Оқ булутдан томган томчилар”. Хуршид Даврон кутубхонаси. –2015 йил 5 август.
3. Абдулла Шер. Шеърлар. Хуршид Даврон кутубхонаси, 2016 йил. 5 август
4. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Т.: “Ўзбекистон”, -2002.
5. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. –Т., - 2003.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).